



# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шундан сўнг сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Қонун билан «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Сенаторлар ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар лицензияларни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштириш тартибини соддалаштиришга ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш соҳасини ҳуқуқий тартибга солишда ноаниқликларни бартараф этишга қаратилганлигини таъкидладилар.

Масалан, тадбиркорлик фаолияти субъектларини рағбатлантириш ва уларга қўшимча қулайликлар яратиш учун қонунда лицензиялар ва тадбиркорлик субъектлари – фаолиятнинг айна бир лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензияга ҳамда айна бир ҳаракатни ва (ёки) фаолиятни амалга ошириш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларга эга юридик шахслар қўшиб юборилган тақдирда фақат битта лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш назарда тутилмоқда. Амалдаги қонун ҳужжатларида ушбу масалаларнинг тартибга солинмаганлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳуқуқий ноаниқлик келтириб чиқарар ва лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензияловчи органлар томонидан субъектив талқин қилинишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 9 февралда қабул қилинган «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ қонун ҳужжатларига янги – «озиқ-овқат хавфсизлиги» тушунчаси киритилмоқда, бу соҳадаги ҳуқуқий тартибга солишни тақомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий механизмлар мустаҳкамланмоқда.



Бундан ташқари, ушбу қонун билан Фуқаролик кодексига, «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги, «Рақобат тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ «сохта маҳсулот» тушунчасига аниқ таъриф бериш, инсофсиз рақобат турларига аниқлик киритилмоқда, товар белгисидан фойдаланиш (фойдаланмаслик), товарни товар белгисига ўхшаш бўлган белгидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш орқали реализация қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни ва бу соҳадаги бошқа муносабатларни тартибга солишнинг самаралироқ механизми белгиланмоқда.

Шунингдек, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Солиқ маслahaти тўғрисида»ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Солиқ кодексига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, киритилган ўзгартишларда чет эл инвестициялари иштирокидаги янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига ўзлари давлат рўйхатидан ўтказилган санада амалда бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан беш йил ичида қўллаш ҳуқуқи берилиши назарда тутилмоқда (бундан ресурс ва божхона божлари мустасно). Мазкур

ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари ҳақамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берганда судларда давлат божини тўлашдан озод қилинмоқда.

Шунингдек, қонунда солиқ маслahaтчилари ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари ҳам назарда тутилмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартномани (Москва, 2016 йил 29 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Исломи Республикаси ўртасида ушлаб бериш тўғрисидаги битимни (Тошкент, 2016 йил 17 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги ҳамда «Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик институтини таъсис этиш тўғрисидаги битимни (Исломобод, 2016 йил 26 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2016 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитдилар.

Ҳисобот даврида Омбудсман томонидан «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Маъмурий тар-

тиб-таомиллар тўғрисида»ги қонун лойиҳаларига ҳамда бир қатор бошқа қонун ҳужжатларига таклифлар киритилди. Омбудсман вакиллаф Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Омбудсман институтини ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ташкил этилган ишчи гуруҳлар фаолиятида иштирок этдилар.

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет давлатлар фуқароларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахсларнинг қарийб уч мингта мурожаати Омбудсман томонидан парламент назорати субъекти сифатида кўриб чиқилди ҳамда ҳал этилди.

Муҳокама давомида сенаторлар томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ҳал этиш бўйича Омбудсман ишларининг самардорлигини оширишга қаратилган таклифлар ва тавсиялар берилди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2016 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитишга киришдилар.

Ҳисоб палатаси томонидан 2015 йилги Давлат бюджетни ижроси тўғрисидаги ҳисобот ташқи аудитдан ўтказилди ва баҳоланди, 2017 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сибастининг асосий йўналишлари ҳамда Давлат бюджетининг лойиҳаси экспертизадан ўтказилди. Худудлар микёсида ҳам республика Давлат бюджетини шакллантириш ва ижросини таъминлаш назорат қилинди, бюджетдан молиялаштирилган ташкилотлар мисолида улардан фойдаланишнинг қонунийлиги, мақсадли йўналтирилганлиги ҳамда самарали эканлиги текширилди.

Назорат тадбирларининг натижалари бўйича тегишли вазирлик, идора ва ҳокимликларга 19 та ёзма кўрсатма юборилди. Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва ҳўжалик

У раҳбарлик қилаётган «Яккатут» масъулияти чекланган жамияти ҳўжалик ва қурилиш молларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонада бир кунда 7 тоннагача мих ва алюминий сим ишлаб чиқарилади. Эргашали ўтган йили банкдан олган кредитини тўлаб, яқинда яна 120 млн. сўмлик имтиёзли кредит олди. Бу маблағ корхонани янада кенгайтириш, замонавий технологиялар сотиб олиш, коллеж битирувчилари учун қўшимча иш ўринлари яратишга йўналтирилади. Бироқ Эргашали иш жараёнида турли тўсиқлар, муаммо ва ассосиз аралашувларга дуч келмоқда...

«Қамолот» ёшлар ижтимо-

## Тадбиркор ёшлар саволларига жавоб олди

Оҳангаронлик ёш тадбиркор Эргашали Сулаймонов 2014 йилда «Ёш тадбиркор – элга мададкор» танловига ғолиб бўлиб, «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банкнинг туман филиалидан 32 млн. сўмлик имтиёзли кредит олган.

ий ҳаракати марказий кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган «Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашиш ҳамда уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш» мавзусидаги семинарда Эргашали сингари ёшлар ўз тадбиркорлик фаолиятида дуч келаётган турли муаммолар бўйича соҳа мута-

хассисларидан жавоб олди. Унда ёш тадбиркорлар, давлат органлари, тижорат банклари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда ёшлар фаоллигини таъмин-

лаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани хусусида сўз юритилди.

Очиқ мулоқотда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, бизнесрежа тузиш, инновацион ғоялар ва технологиялар асосида экспорт-импорт операцияларини ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Соҳа мутахассислари тадбиркорларга яратилган имтиёз ва преферен-

циялар, қонун ҳужжатларида хусусий сектор вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган нормалар, солиқ божхона ва рўйхатдан ўтказиш турлари бўйича имтиёзлар, гаров ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби юзасидан тегишли тавсиялар берди.

– Корхонамизда алюминий эшик ва ромлар ишлаб чиқарилади, – дейди «Зара-Сара» хусусий корхонаси раҳбари Илҳомжон Исоқов. – «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкнинг Паркент тумани филиалидан имтиёзли кредит олган эдик. Бу маблағни эшикром, металл дарвозалар ишлаб чиқаришга йўналтириб, 8 нафар



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

юритувчи субъектлар фойдасига 86 миллиард 643 миллион сўм миқдоридан етказилган зарар ундирилди.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати билан ҳамкорликда жойларда қонун ҳужжатларининг ижроси, молия-бюджет интизомига риоя этилишининг аҳоли ўрганилди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2016 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тингладилар.

Ҳисоботда қайд этилганидек, Марказий банкнинг 2016 йилдаги фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига ва 2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида белгиланган вазифаларни ҳамда Марказий банкнинг аввал-и ҳисоботлари яқунлари бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарорларида қайд этилган вазифаларни сўзсиз бажаришга қаратилди.

Банк тизими капиталлашуви даражасини ошириш, унинг ликвидлигини ва барқарорлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида тижорат банкларининг умумий капитали 20,2 фоизга кўпайди ва 9,35 триллион сўмни ташкил этди. 2016 йил яқунларига кўра, банк тизими капиталининг етарлилик даражаси халқаро Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан деярли 3 баравар, унинг ликвидлиги эса энг юқори индикатор баҳоладан 2 баравар юқори бўлди. Банклар депозитлари ҳажмининг 25,2 фоизга ошиши таъминланди, бу эса банклар активлари ҳажмининг 23,3 фоизга ошишига олиб келди.

Ҳисобот йилида тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини бажариш учун 12,2 триллион сўм миқдоридан кредитлар ажратилди, бу эса 2015 йилга нисбатан 1,2 баравар кўпроқдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир кредит сиёсати сезиларли даражада такомиллаштирилди. Уларга давлатимиз тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар ҳажми 2015 йилга нисбатан 1,3 баравар ошди ва 15,8 триллион сўмни,

шу жумладан, микрокредитлар 3,3 триллион сўмни ташкил этди. Тижорат банклари томонидан коллежларнинг битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиши учун қарийб 362,1 миллиард сўм миқдоридан имтиёзли кредитлар берилди, бу эса 2015 йилдагидан 1,3 баравар кўпроқдир.

2016 йилда банк тизимининг фаолияти иқтисодийнинг юқори ўсиш суръатларини сақлашга ва аҳоли фаровонлиги янада оширилишини таъминлашга кўмаклашди. «Мудис» рейтинг агент-



лиги сурункасига етти йилдан бери Ўзбекистон банк тизимига «барқарор» рейтинг баҳосини бермоқда.

Ҳисоботни муҳокама этиш чоғида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган тақдирлар ва тавсияларни билдирдилар. Хусусан, банк-молия тизимининг барқарорлигини сақлаш, омонатчилар, қарздорлар ва кредиторлар манфаатлари химоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар ва бошқа молиявий мусассасалар фаолиятини назорат қилиш самарадорлигини оширишга доир ишларни кучайтириш тавсия этилди. Уй ҳужжалиқларига мамлакат аҳолисини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш учун имтиёзли микрокредитлар бериш, республика ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида назарда тутилаётган лойиҳаларни молиялаштириш қўламлири ва ҳажмларини кенгайтириш борасидаги ишларни кучайтириш ло-

зимлиги қайд этилди. Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда, 2017 йилнинг январь ойида Ҳукуматнинг кенгайтирилган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маърузаларида банк тизими олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриш зарурлигини таъкидладилар.

лари мансабдор шахсларининг ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан 43 мингдан ортиқ тадбир ўтказилди. Назорат тадбирлари давомида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари бузилган 19 752 та ҳолат, шу жумладан, уларнинг фаолиятига ноқонуний арашланган 129 та ҳолат, ноқонуний текширув ўтказилган 54 та ҳолат, ноқонуний қарорлар қабул қилинган 1 657 та ҳолат, ортиқча йиғимлар ундирилган 657 та ҳолат, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқишда қонун ҳужжатлари бузилган 887 та ҳолат аниқланди. Ушбу ҳолатлар бўйича прокуратура томонидан тегишли чоралар кўрилди.

Солиқ ва валюта жиноятларига ҳамда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича муайян ишлар бажарилди. 832,7 миллиард сўмлик солиқлар ва тўловларнинг қўшимча ҳисобланиши таъминланди, валюта соҳасида 771 та ҳуқуқбузарлик аниқланди.

Сенаторлар Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси раисини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг раисини тайинлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ҳисоботларни кўриб чиқиш яқунларига кўра Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

\*\*\*

2017 йил 29 март кuni сенаторлар ишни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2016 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитишдан бошладилар.

Хусусан, аҳолини ижтимоий химоялашга, фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари ижро этилиши, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури, Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури, Инвестиция дастури бажарилиши мунтазам назорат қилиб борилди.

Ҳисобот йилида тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳуқуқий химоя қилиш прокуратура органлари фаолиятининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлди. Тадбиркорларнинг, шу жумладан, тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи давлат орган-

Ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг вазоратига қирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Барча кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенат ялпи мажлиси давомида 21 та масала, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини изчил ислох қилишга, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишга, бозор ислохотларини янада чуқурлаштиришга қаратилган 9 та қонун кўриб чиқилди. Уларни рўйбга чиқариш аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш, мамлакатда барқарорлик ва фаровонлиқни кучайтиришнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини яқунлади.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
Ахборот хизмати материаллари  
асосида тайёрланди.  
ЎЗА фотосуратлари.**

ёшни иш билан таъминлади.  
Мен бугунги очиқ мулоқотга фаолиятимизда дуч келган муаммо – хориждан сими қайта ишловчи замонавий техника олиб келиш учун валюта айирбошлаш ҳамда ижарага қўшимча бино олиш масаласи билан мурожаат этдим.

Тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш, турли тўсиқларга барҳам бериш бўйича яратилган ҳуқуқий кафолатлар ҳақида маълумотлар берилди.

Очиқ мулоқотда ёш тадбиркорлар ўзларини қизиқтиратган саволларга жавоб олди.

ЎЗА материаллари асосида.

## «Трастбанк»: мурожаатлар эътиборда

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банкнинг «Дархон» филиалида Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш ҳамда жойларда мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни ўз вақтида бартараф этиш, мурожаатлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида «Сайёр қабул» тадбири ўтказилди.

Унда банк бошқаруви раиси ўринбосари Н.Давыденко, «Дархон» филиали бошқарувчиси Ж.Ергешев, «Мурожаатлар билан ишлаш» департаменти директори Ш.Ханбабаева, «Дархон» филиалининг «Мурожаатлар билан ишлаш» бўлими биринчи тоифали мутахассиси С.Акрамова, шунингдек, жисмоний ва юридик шахс мақомидаги мижозлар иштирок этди.

«Сайёр қабул» давомида «Дархон» филиалида хизмат кўрсатилувчи юри-

дик шахслар вакиллари, хусусий тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган ва иш жараёнида юзага келадиган вазиятлар юзасидан барча саволларига тўлиқ жавоб олиш имкониятига эга бўлишди. Шунингдек, учрашувда банк томонидан яратилаётган қулайликлар, хомашё харид қилиш, айланма маблағларни тўлдирши мақсадида кредит олиш тартиблари ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Учрашув иштирокчилари «Трастбанк» ХАБ раҳбариятига мижозларнинг муро-



жаатларига бўлган эътиборлари учун миннатдорчилик билдириб, банк томонидан кўрсатилаётган хизматларни ижобий баҳоладилар.

Бекзод АКРОМОВ.

## Банк инвестициялари тараққиёт омили

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Анжуманда 2016 йилда банк томонидан мамлакатимиз Биринчи Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1166-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида инвестиция

бўлиб, 20,1 млрд. сўм эквиваленти (ёки 5,9 млн. АҚШ доллари) Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки маблаглари ҳисобидан мева-сабзотчиликни ривожлантириш йўналишидаги 11 та инвестиция лойиҳасига, 194,3 млрд. сўм эквиваленти (ёки 38,0 млн. АҚШ доллари ва 18,0 млн. евро) *Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблаглари ҳисобидан 2 та лойиҳага, 10,5 млрд. сўм эквиваленти (3,1 млн. АҚШ доллари) Хитой экспорт-*



лоийҳаларини молиялаштириш учун 1 380,7 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилгани тармоқлар мисолида келтирилди. Бунинг ҳисобига 14,5 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилган.

2016 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига мувофиқ эса, банк 273,4 млн. АҚШ доллари ҳажмида сармоя ажратиб, уларни юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишга, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология ва бошқа илғор илм-фан ютуқларига асосланган лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирди.

«Асака» банк томонидан республикамиз вилоятларида уй-жой қурилиши лойиҳаларини молиялаштириш бўйича ҳам фаол ишлар олиб борилмоқда. Ушбу мақсадларга банк 454,9 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратди. Банк кредитлари ҳисобига 74 та қўп қаватли турар жой бинолари қад кўтарди. 2099 оила ҳар томонлама қулай хонадонларга эга бўлди.

– *Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда «Асака» банк ўз маблаглари билан бирга маҳаллий ҳамда хорижий молия институтлар томонидан жалб этилган кредит линияларидан ҳам самарали фойдаланиб келади, – дейди банкнинг Лойиҳаларни молиялаштириш департаменти бўлим бошлиғи Шерзод Салиев. – Хусусан, 2017 йилда банкмиз томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга 1,66 трлн. сўм миқдорда кредитлар ажратилиши режалаштирилган*

*импорт банки кредит линияси маблаглари ҳисобидан тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларга жалб қилинади.*

Шу билан бирга, «Асака» банк томонидан Халқаро тараққиёт ассоциациясининг «Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш» бўйича лойиҳаларини молиялаштиришга кўмаклашади. Бунинг учун Жаҳон банки кредит линияси маблаглари ҳисобидан 6,0 млн. доллар миқдорда сармоя ўзлаштирилади.

Бундан ташқари, саноат йўналишидаги лойиҳалар Хитой давлат тараққиёт банки (65,0 млн. доллар), Корея экспорт-импорт банки (10,0 млн. доллар) кредит линиялари ҳисобидан ҳам молиялаштирилади.

Бугунги кунда «Асака» банк жаҳоннинг 350 дан зиёд етакчи банклари билан вакиллик муносабатларига эга бўлиб, энг йил хорижий банклардаги вакиллик ҳисобварақлари тармоғи орқали жаҳоннинг асосий молиявий марказларида ўзининг иштирокини таъминламоқда.

Тадбирда «Асака» банк томонидан инвестицион жозибадорликни ошириш, юқори ликвидлик, асосий кўрсаткичларда барқарорликни таъминлаш ва уларни жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказиш орқали рақобатбардош, ички бозор ва экспортга мос маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи мижозларга ҳамда хорижий ҳамкорларга сифатли банк хизматларини кўрсатиш йўлида қатор чора-тадбирлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

**Назира МАВЛОНОВА.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

**Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 24 март куни 1948-12-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси**  
Тошкент ш.,  
2017 йил 4 март, 4/5-сон

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2017 йил 4 мартдаги  
4/5-сонли қарорига  
ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Муқаддимадан «*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига»* деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 1-банднинг олтинчи хатбошидан «ундаги» деган сўз чиқариб ташлансин.

3. 3-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

4. 10-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«10. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг, шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарнинг ҳисобварақ очиш учун асос бўлган банк ҳисобварағи шартномаси ва унга киритилган ўзгартиришлар, бекор қилинган имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалар, шунингдек, мижоз номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахсининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат)нинг нусхаси уларнинг юридик йиғмажилдида сақланади. Банклар тадбиркорлик фаолияти субъектларига ҳисобварақ очиш ва уларни қонунийликда ўрнатилган тартибда идентификация қилишлари учун зарур бўлган маълумотларни «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими»дан оладилар.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар ҳамда Бюджетдан маблағ олувчилар, резидент юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган норезидент юридик шахсларнинг (иммунитет ҳамда дипломатик имтиёزلардан фойдаланадиган чет эл дипломатия ва бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари, шунингдек, хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида ҳужалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари) ҳисобварақ очиш учун асос бўлган ҳужжатлари, банк ҳисобварағи шартномаси ва унга киритилган ўзгартиришлар, таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав) ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нусхалари, иккиламчи ҳисобварақлар очилганлиги тўғрисидаги асосий ҳисобварағини очган банкка юборган хабарнинг нусхаси, бекор қилинган имзолар на-

муналари ва муҳр изи қўйилган варақчалар, шунингдек, мижоз номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахсининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат)нинг нусхаси мижознинг юридик йиғмажилдида сақланади.»;

5. 12-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«12. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлган резидент юридик шахслар, яққа тартибдаги тадбиркорлар ҳамда деҳқон ҳужаликлари томонидан миллий валютада талаб қилиб олинган депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка куйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

а) мазкур Йўриқноманинг 2-илосида келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) мазкур Йўриқноманинг 3-илосида келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган икки дона варақча;

в) мижоз номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахсининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки уни ўрнини босадиган ҳужжат). Шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли кўрсатилгандан сўнг, банк томонидан ундан нусха олинади.».

6. 36-банднинг биринчи хатбоши «Девонхона» деган сўздан кейин «*«Маълумотлар учун»*, «Гувоҳномалар учун»» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. 39-банднинг иккинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар ҳамда Бюджетдан маблағ олувчилар, резидент юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган норезидент юридик шахсларнинг (иммунитет ҳамда дипломатик имтиёزلардан фойдаланадиган чет эл дипломатия ва бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари, шунингдек, хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида ҳужалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари) таъсис ҳужжатларида (таъсис шартномасида, уставда) кўрсатилган маълумотлар (муассислар, аъзолар ёки бошқа маълумотлар) ўзгарган тақдирда, улар таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нусхасини банкка тақдим қилади.».

8. 2-илова «М.Ў.» қисқартмасидан кейин «(муҳр мавжуд бўлганда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.



## Пластик карталардаги қолдик учун янги таърифлар

«Агробанк» акциядорлик-тижорат банки томонидан мижозларга эндиликда онлайн пластик карталардаги қолдик маблағларига юқори фойзли қўшимча ҳақ ҳисобланади.

Муассаса ўз мижозларига 2017 йилнинг 1 апрелидан бошлаб 3 (уч) ой давомида онлайн пластик карталари қолдик маблағларига қуйидаги шаклларда фойз тўлишини белгилади:

– Пенсиядорларнинг пластик карталари ҳисобварағидаги қолдик маблағларга йиллик 20 фойз миқдориди;

– Бошқа турдаги мижозларнинг (жисмоний шахслар) пластик карталари ҳисобварағидаги қолдик маблағларга:

Агар 1 (бир) ой давомида пластик карта ҳисобварағидаги қолдик маблағлари 1 млн. сўмдан 5 млн. сўмгача доимий сақланиб турганда йиллик – 9 фойз, 5 млн. (+1 сўм) сўмдан 10 млн. сўмгача доимий сақланиб турганда йиллик – 12 фойз, 10 млн. (+1 сўм) сўмдан юқори доимий сақланиб турганда эса, йиллик – 16 фойз миқдориди ҳақ тўланиши жорий қилинди.

Шунингдек, банк томонидан кичик бизнес субъектлари, оилавий корхоналар ҳамда яққа тартибдаги тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга қўшимча имтиёз ва имконият яратиш мақсадида ўз мижозларига яна бир қулайликни тақдир этди.

Жумладан, жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб барча турдаги миллий валютадаги корпоратив пластик карталарга маблағлар ўтказиш учун ҳақ олинмайди. Эндиликда банкнинг ушбу хизматидан мутлақо «БЕПУЛ» фойдаланиш мумкин.

Аввал хабар берганимиздек, «Агробанк» Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида аҳоли, хусусан, мижозларига янада қулайлик яратишга қаратилган қатор вазифаларни амалга оширишни мақсад қилган.

2017 йилнинг 1 март ҳолатига кўра, банк томонидан мижозларга тарқатилган пластик карталарнинг умумий сони 3 млн. 702 минг 600 донага етказилди. Шундан 2 млн. 325 мингдан ортиқ пластик карта он-лайн карталари бўлиб, улар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 142 фойзга кўпайди.

Банк пластик карталар ҳисобварақларига жалб қилинган маблағлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 119 фойзга кўп, яъни жами 10 трлн. сўм (ўртача бир ой давомида 820-840 млрд. сўм)ни ташкил этиб, ҳисобот санасига улардаги қолдик маблағлар 438,4 млрд. сўмга етказилди. Жойлардаги 30 780 га яқин терминал орқали 4,8 трлн. сўмдан ортиқ транзакциялар амалга оширилди. Бунда бир ойлик ўртача савдо айланмалари 400-410 млрд. сўмни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,9 трлн. сўм ёки 135 фойз ошишига эришилди.

«Агробанк» марказий аппарати томонидан нақд пул тўшумига эга бўлган савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларига терминаллар ўрнатиш юзасидан доимий мониторинг ишлари олиб борилмоқда. Бунда тўлов терминалларига эҳтиёжи бор корхоналарга ўз вақтида терминаллар етказиб берилмоқда.

(Давоми 7-бетда).

## «Туронбанк»да Ҳаракатлар стратегияси бўйича махсус семинар

«Туронбанк» акциядорлик-тижорат банкида давлатимиз раҳбарининг жорий йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моҳиятига бағишланган махсус семинар ташкил қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, «Тараққиёт стратегияси» маркази ижрочи директори Акмал Бурханов, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ходимлар билан ишлаш департаменти бошқарма бошлиғи Бобур Ирисов, шунингдек, «Туронбанк» АТБ бош офиси ҳамда ҳудудлардаги барча филиаллари раҳбар ва масъул ходимлари иштирок этди.

Семинарда А.Бурханов 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ҳамда назорат қилиш бўйича юклатилган вазифалар тўғрисида батафсил сўз юритди.

Таъкидлаш жоизки, 2017-2021 йиллар давомида умумий қиймати 40 млрд. АҚШ доллари миқдоридида 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини амалга ошириш режалаштирилган. Натижада келгуси 5 йилда sanoat маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 бараварга, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фойздан 36 фойзгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фойздан 85 фойзгача ошиши кутилмоқда.

Тадбирда мутахассислар томонидан 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ҳар жиҳатдан ривожлантиришда амалга ошириладиган устувор вазифалар ҳақида сўз юритилар экан, Ҳаракатлар стратегияси банк-молия соҳасида ҳам муҳим чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутганлиги таъкидланди.

Хусусан, нақдсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ва қамровини

ошириш, шу жумладан, иқтисодиёт соҳаларида тўловларнинг замонавий электрон шакллари жорий этиш ва тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш, халқаро молиявий институтлар пул маблағларини жалб қилиш орқали молиялаштириладиган инвестициявий лойиҳалар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқариш учун хомашё ва материалларни сотиб олишда тадбиркорларга молиявий кўмак бериш мақсадида иқтисодиёт ҳамда кичик бизнес соҳаси субъектларини кредитлаш ҳажмини 1,2 баробар ошириш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

сатиладиган хизматлар учун тарифларни энгиллаштириш, пластик карталар бўйича ўз-ара ҳисоб-китоб қилиш тизимида олинмаган товар ва фойдаланилмаган хизматлар учун тўловни қайтаришнинг тартиб-тамоийллари ҳамда технологияларини жорий этишга катта аҳамият қаратилади.

Семинар сўнггида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мутахассислари томонидан 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни банк тизимида бажариш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинганлиги ҳамда ундаги вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк раҳбарлигида бар-



Шунингдек, эндиликда аҳолига муайян вақт давомида белгиланган лимит доирасида банк маблағлари ҳисобидан товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини берувчи кредит карталарини муомалага киритиш, банк пластик карталари орқали жисмоний шахсларнинг депозит ҳисоб рақамларини бошқариш имкониятини кенгайтириш ҳамда пластик картадаги маблағларни бошқа картага ўтказиш бўйича кў-

ча тижорат банклари томонидан босқичма-босқич чоралар кўриладиганлиги айтиб ўтилди.

Бир сўз билан айтганда, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ҳамда жадал ривожланишини таъминлаш учун бор имкониятларини сафарбар этиш барча тижорат банклари қатори «Туронбанк» АТБнинг ҳам асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Бекзод АКРОМОВ.

## БАНК ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2344-сонли Қарори Иловасидаги 8-бандига мувофиқ

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ходимлари учун 2017 йил апрель ойида ўтказилиши режалаштирилган ўқув курслари ва семинарлар жадвали

№	Ўқув курсининг номи	Таҳсил оладиган ташкилот номи	Ўқув курслари ўтказилиш мuddати		
			10 апрелдан 15 апрелгача	17 апрелдан 22 апрелгача	24 апрелдан 29 апрелгача
1	Тижорат банкларининг солиққа тортилиши ва уларнинг ҳисобини юритиш	ТМИ			
2	Банкларда бухгалтерияни юритиш ва аудит	ТМИ			
3	Банк назорати бўйича Базель кўмитасининг янги талаблари, Базель III	ТМИ			
4	Тижорат банклари филиаллари ва бўлимлари бошқарувчилари учун кенгайтирилган ўқув курси	БМА			
5	Тижорат банклари филиаллари ва бўлимларининг бош ҳисобчилари учун кенгайтирилган ўқув курси: қонунчиликдаги ўзгаришлар, янгиликлар ва амалиёт	БМА			
6	Тижорат банкларида янги банк хизматлари сифатини оширишнинг тури ва йўллари	БМА			
7	Пластик карталар ёрдамида нақд пулсиз амалиётлар сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш	БМА			
8	Ходимларни бошқариш	ХМИРМ-Ў			
9	Лойиҳавий молиялаштириш	ТДИУ			
10	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ халқаро бухгалтерлик ҳисобини юритиш	ТСМРИ			

# «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНКЛАРИДА ОЧИЛАДИГАН БАНК ҲИСОБВАРАҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЙЎРИҚНОМАГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАРГА ШАРҲ



**Мавлон МАРПАТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
Бухгалтерия ҳисоби,  
ҳисоботи ва давлат  
бюджети касса ижроси  
департаменти  
директори ўринбосари,  
и.ф.н.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви-нинг 2017 йил 4 мартдаги 4/5-сонли қарорига асосан «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги йўриқномага (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) навбатдаги 12-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ва 2017 йилнинг 24 мартада Адлия вазирлигида 1948-12-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 357-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом ҳам «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги йўриқнома (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган. Хусусан, мазкур Низомнинг 57-бандида банкда ҳисобварақлар очиш учун тадбиркорлик субъекти томонидан банкка тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилган эди.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 31-моддасида банклар томонидан мижозларга ҳисобварақлар очишда Марказий банк белгиланган тартибга риоя қилиниши шартлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни 16-моддаси иккинчи қисмига асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт. Шу сабабли, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги 312-сонли қаро-

рига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 357, 2003 йил 20 август)нинг 57-банди «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 31-моддасида белгиланган нормаларга мослаштирилган ҳолда куйидаги тахрирда баён қилинди: «57. Банк ҳисоб рақамларини очиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади».

Юқоридаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларга асосан 1948-сонли Йўриқнома муқаддимасидан «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисидаги қарорига» деган сўзлар чиқариб ташланди.

Йўриқноманинг 1-банди олтинчи хатбошисидан «ундаги» деган сўз чиқариб ташланиб, унинг тахрири мазмун жиҳатдан тўрилди.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларида мижозлар битта банкда битта талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи очиш ҳуқуқига эга эди. Бу тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишига халақит бера бошлаганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 24-сонли қарорига мувофиқ, юридик шахсларга бир неча банкда банк ҳисобварақларини очиш ҳуқуқи берилган. Кейинчалик юридик ва jisмоний шахсларга, хусусан, тадбиркорлик субъектларига ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш учун банкларни мустақил равишда танлаш ҳамда бир ёки бир неча банкларда банк

ҳисобварақлари очиш ҳуқуқи бўйича талаблар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 775-моддасида ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасида ўз аксини топди. Табиийки, мазкур нормалар 1948-сонли Йўриқноманинг 3-бандига ҳам киритилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1245-сонли Қарорига мувофиқ, улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби жорий қилинди. Бу фаолият кўрсатаётган ягона солиқ тўловчи улгуржи савдо корхоналари томонидан аванс тўловларини амалга ошириш устидан вақтинчалик солиқ назоратини ўрнатиш талаб этилади. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида 1948-сонли Йўриқноманинг 3-банди улгуржи савдо корхоналари субъектларига миллий валютадаги асосий ва иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит

лат солиқ қўмитасига узатилиши белгиланган. Шунингдек, «Солиқ солиш мақсадида солиқ тўловчиларни автоматлаштирилган ҳисобга олиш учун банк депозиторлари Миллий ахборот базасининг ахборотидан фойдаланиш тартибининг (рўйхат рақами 614, 1999 йил 30 январь) 2.3-бандига мувофиқ, БДМАБ маълумотларида содир бўлган ўзгаришлар ҳар куни Давлат солиқ қўмитаси почта қутисига ташлаб турилади. Марказий банкдаги мижознинг банк ҳисобварақлари ва уларнинг ҳаракатлари тўғрисидаги барча маълумотлар Давлат солиқ қўмитасида мавжуд.

Юқоридаги ҳуқуқий ва тех-нологик ўзгаришлар асосида, 1948-сонли Йўриқноманинг улгуржи савдо корхоналари субъектларига миллий валютадаги асосий ва иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари улар солиқ тўловчи сифатида ҳисобга олинган давлат солиқ хизматчи органи жойлашган туман ёки шаҳардаги тижорат банклари филиалларида очилиши тўғрисидаги нормалар белгиланган 3-банднинг иккинчи хатбошисини бекор қилиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

ектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимини босқичма-босқич ишлаб чиқиш ва жорий этиш, 2017 йил 1 апрелдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан Ўзбекистон Республикаси Давлат интерактив хизматлари ягона порталига интеграциялашган интернет тармоғидаги тизим орқали кечаю-кунду ўтказиш ва ҳисобга қўйиш вазифаси белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сонли Қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 66-сонли қарорининг 1-илоvasи 19-бандига мувофиқ, давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг тадбиркорлик субъекти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк ҳисоб рақамларини очиш учун банкларга мурожаат қилиши, банк ҳисоб рақамларини очиш учун рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг, таъсис ҳужжатларининг асл нусхаларини ва нусхаларини тақдим этиш талаб қилинмаслиги белгиланган.

Ҳукуматимиз томонидан бу борада қабул қилинган юқоридаги қарорлар асосида 1948-сонли Йўриқноманинг айнан тадбиркорлик субъектларининг банкларда ҳисобварақлар очиш бўйича тартиби белгиланган бандларига зарур ўзгаришлар киритилди. Хусусан, унинг 12-банди куйидаги тахрирда баён этилди:

«12. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлган резидент юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда деҳқон ҳўжаликлари томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка куйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

а) мазкур Йўриқноманинг 2-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) мазкур Йўриқноманинг 3-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган икки дона варақча;

**Бугунги кунда Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитаси ўртасида мижозларнинг банк ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотларни алмашиши йўлга қўйилди. Хусусан, мазкур Йўриқноманинг 9-бандида мижозларга ҳисобварақлар очиш шу куннинг ўзидаёқ амалга оширилиб, банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига узатилиши белгиланган.**

ҳисобварақлари улар солиқ тўловчи сифатида ҳисобга олинган давлат солиқ хизмати органи жойлашган туман ёки шаҳардаги тижорат банклари филиалларида очилиши тўғрисидаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилди.

Бугунги кунда Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитаси ўртасида мижозларнинг банк ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотларни алмашиши йўлга қўйилди. Хусусан, мазкур Йўриқноманинг 9-бандида мижозларга ҳисобварақлар очиш шу куннинг ўзидаёқ амалга оширилиб, банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси орқали Ўзбекистон Республикаси Дав-

Ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун янги қўлайликлар ва имтиёзлар яратилмоқда. Айниқса, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартибин тубдан такомиллаштириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 28 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартибин тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 2646-сонли қарорига тадбиркорлик субъект-





в) мижоз номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахсининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат). Шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг «сли курсатилгандан сўнг, банк томонидан ундан нусха олинади».

Демак, тадбиркорлик субъектлари банда талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварақлари очиш учун 1948-сонли Йўриқноманинг эски таҳриридаги 12-банднинг б)-кичик бандида белгиланган тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни

ҳоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарнинг ҳисобварақ очиш учун асос бўлган банк ҳисобварағи шартномаси ва унга киририлган ўзгартиришлар, бекор қилинган имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалар, шунингдек, мижоз номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахсининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) нинг нусхаси уларнинг юридик йўл-йўлдошида сақланади. Банклар тадбиркорлик фаолияти субъектларига ҳисобварақ очиш ва уларни

нинг юридик йўл-йўлдошида сақланиши белгиланди.

Ўз ўрнида ҳақли савол туғилди! Банклар тадбиркорлик субъектларига ҳисобварақ очишда «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларнинг Миллий ахборотлар базаси ва унда миқдорлар хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низомга (рўйхат рақами 1863, 2008 йил 27 сентябрь) ва «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондалари»га (рўйхат рақами 2528, 2013 йил 21 ноябрь) кўра мижозни идентификация қилиш учун зарур бўлган маълумотларни қаердан олади?

Ушбу саволга жавоб 1948-сонли Йўриқноманинг 10-банди биринчи хатбошининг охири жумласида берилган. Унга кўра, банклар тадбиркорлик субъектларига ҳисобварақ очиш ва уларни қонунчиликда ўрнатилган тартибда идентификация қилишлари учун зарур бўлган маълумотларни «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими»дан олади.

Мазкур тизим кечаю кундуз ишлаши таъминланади ва унинг маълумотномасида, унга улиши ва фойдаланиш тартиби ҳамда ундаги қисқартирилган сўзлар таърифи мавжуд.

Юқоридаги талаблардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ-4940-сонли Фармони Иловасининг 11-бандига мувофиқ, 1948-сонли Йўриқноманинг 39-банди иккинчи хатбоши мазкур ҳужжатнинг 10-бандига мослаштирилди, яъни ундан «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналарнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари талаб этилади» деган сўзлар чиқариб ташланди.

Бундан ташқари, 1948-сонли Йўриқноманинг 36-банди биринчи хатбошиси «Девонхона» деган сўздан кейин «, «Маълумотлар учун» деган сўзлар билан ҳамда унинг 2-илоvasи «М.У.» қисқартмасидан кейин «(муҳр мавжуд бўлганда)» деган сўзлар билан тўлдирилди.

## Пластик карточкадан фойдаланиш афзалликлари ортмоқда

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон банклари Ассоциацияси банклараро чакана тўлов тизимида мижозларга хизмат кўрсатиш юзасидан сўм пластик карточкалари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишда банк ва nobank кредит ташкилотлари учун амалдаги тарифлар режасига айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритди.

Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимиз Президентининг «Республикада банк пластик карточкалари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш чоралари тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида қабул қилинди. Жорий йилнинг 15 мартдан кучга кирган тариф режасига кўра, юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг тўлов терминаллари учун тўлайдиган ижара ҳақи 50 фоизга қисқартирилмоқда. Эндиликда юридик шахсларга ўзлари фойдаланаётган тўлов терминаллари учун ижара ҳақи 5 еврогача, яқка тартибдаги тадбиркорларга эса 2,5 еврогача этиб белгиланди.

Илгари тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари ҳисобварағида қолдиқ маблағларга ҳисобланадиган фоизлар Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси (9 фоиз)дан кам бўлмаган миқдорда белгиланган эди. Янги тартибга кўра, пластик карточкадаги

қолдиқ маблағларни капиталлаштириш тижорат банклари билан тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Қайд этиш лозимки, тижорат банклари томонидан пластик карточкалардан фойдаланиш инфратузилмасини кенгайтириш чоралари кўриб борилмоқда. Ҳозирги пайтда жисмоний шахсларга пластик карточкалар орқали қисқа муддатли истеъмоладан кредитлар беришни (овердрафт) йўлга қўйиш бўйича тартиб ишлаб чиқилмоқда. Бу йўналишдаги кредитларга фоиз ставкаларини ҳар бир тижорат банки ўзининг ички кредит сиёсатидан келиб чиқиб, шартнома асосида белгилади.

Тижорат банклари савдо-сервис ташкилотлари билан биргаликда пластик карточкалардан фойдаланувчиларнинг уларни ишлатишдан манфаатдорлигини оширишга йўналтирилган турли хил бонус, дисконт ва рағбатлантирувчи дастурларни татбиқ этиш амалиётини кенгайтириш борасидаги ишларни изчил давом эттиради.

Ҳасур МИРЗАЕВ.

## Пластик карталардаги қолдиқ учун янги таърифлар



(Давоми. Бошланиш 5-бетда).

Бундан ташқари, бунгун кунда жойларда ушбу банкка тегишли 120 та инфокиос ва 33 та банкмат аҳоли хизматидадир.

Таъкидлаш жоиз, пластик карталар асосидаги барча амалиётлар ва улар ҳажмидаги ўсиш суръати банк томонидан ишга туширилаётган масофавий хизматлар ҳисобига ривожланиб бормоқда. «Agrobankmobile», «Мобильсавдо», «Agrobank-click», «P2P», «C2B» тизимлари асосидаги хизматлар шулар жумласидандир.

Умуман, кейинги йилларда «Агробанк» тизимида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш, масофавий хизматлар жозибадорлигини ошириш, бу борада ички талаб ва имкониятлардан фойдаланиб, халқаро молия бозори тажрибасини ўзлаштириш жараёни анчайин фаоллашган. Бу аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича 2016 йил якунларига кўра, банклар ўртасида ўтказилган танловда ҳам ўз тасдигини топди. Унда «Агробанк» АТБ – «Йилнинг энг яхши эквайер банки», деб эътироф этилди.

Эъзоз КАМОЛОВА.

### «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими» кечаю кундуз ишлаши таъминланади ва унинг маълумотномасида, унга улиши ва фойдаланиш тартиби ҳамда ундаги қисқартирилган сўзлар таърифи мавжуд.


хориждан олиб келувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан берилган тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи яқка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, в)-кичик бандида белгиланган давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси ҳамда д)-кичик бандида кўрсатилган тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлган резидент юридик шахслар томонидан таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав) ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нусхалари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нотариал тасдиқланган нусхаларини тақдим қилиш талаблари бекор қилинди.

1948-сонли Йўриқноманинг 12-бандига киритилган юқоридаги ўзгартиришлар мижозларнинг юридик йўл-йўлдошида сақланадиган ҳужжатлар рўйхати келтирилган 10-бандини ҳам мос равишда ўзгартириш киритишни тақозо этди. Мазкур Йўриқноманинг эски таҳриридаги 10-банд мижозларнинг юридик йўл-йўлдошида сақланадиган ҳужжатлар рўйхати барча банк мижозлари учун тааллуқли бўлса, янги таҳрирда мазкур банд икки хатбошига бўлинди.

Унинг биринчи хатбошига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти субъектларининг, шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги кор-

қонунчиликда ўрнатилган тартибда идентификация қилишлари учун зарур бўлган маълумотларни «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими»дан олади.

Мазкур банднинг иккинчи хатбошида тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар ҳамда бюджетдан маблағ олувчилар, резидент юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган норезидент юридик шахсларнинг (иммунитет ҳамда дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган чет эл дипломатия ва бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари, шунингдек, хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари) ҳисобварақ очиш учун асос бўлган ҳужжатлари, банк ҳисобварағи шартномаси ва унга киритилган ўзгартиришлар, таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав) ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нусхалари, иккиламчи ҳисобварақлар очилганлиги тўғрисидаги асосий ҳисобварағини очган банкка юборган хабарнинг нусхаси, бекор қилинган имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалар, шунингдек, мижоз номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахсининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) нусхаси мижоз-



# Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

## Оилавий корхоналар кредит таъминоти ҳақида қайғурмасалар ҳам бўлади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 мартдаги ПҚ-2844-сонли қарори билан янги рўйхатдан ўтган юридик шахс ташкил этмаган тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш механизми соддалаштирилди.

Микрокредитлаш шартлари куйидагича:  
 ● ЭКИХнинг 20 баробаригача – фаолиятни амалга ошириш учун олинган товарларнинг гаров сифатидаги таъминоти билан;

● ЭКИХнинг 60 баробаригача – қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъминот турлари билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кафиллиги асосида;

● ЭКИХнинг 100 баробаригача – узоқ ва бориш кийин бўлган, шунингдек, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган ҳудудларда Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан.

Бундан ташқари, 2021 йил 1 январгача рўйхатдан ўтган ва алоҳида фаолият турлари билан шугулланадиган тадбиркорлар микрокредитларни расмийлаштиришида (ЭКИХнинг 20 ёки 60 баробаригача)

6 ой муддатга қатъий белгиланган солиқ тўловларидан озод этилади.

Аммо улар давлат рўйхатига олинган кундан эътиборан 12 ой ичида тугатилса ёки 3 ёхуд ундан кўп ой муддатга фаолиятини тўхтатса, фаолият кўрсатган даври учун қатъий белгиланган солиқларни тўлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кредит ҳисобидан сотиб олинadиган қорамол, қўй-эчки, қуён, парранда, балиқ, асалари уяси, мевали дарахт ва ток кўчатлари, уруғ, минерал ўғит, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, маиший техника, ускуналар, қурилиш материаллари ва бошқа товарларни ҳеч қандай чекловларсиз нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан етказиб беришни ташкил этишга кўмаклашиш топширилди.

## Бозорлар ўрнига гипермаркетлар

Президентимизнинг 2017 йил 28 мартдаги Қарори билан 2017-2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастури тасдиқланди.

Дастурда намунавий лойиҳалар бўйича 4 типдаги гипермаркет, супермаркет ва мини-маркетлар кўринишидаги, шунингдек, уларга туташ майдонларда барпо этиладиган енгил конструкцияли, вақтинчалик йўлма павильонлардан иборат савдо мажмуаларининг қурилишини назарда тутди. Унинг амалга оширилиши билан Республика комиссияси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузурдаги ҳудудий ишчи комиссиялар шугулланади.

Тадбирлар куйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

● қишлоқ жойлардаги деҳқон бозорлари ҳудудида замонавий савдо мажмуалари қурилишига – Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг (ТИФ МБ) маблағлари, шаҳарларда эса – тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари ҳамда тижорат банкларининг МБнинг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган фоизларда камидан 5 йил муддатга ва асосий қарзни қайтариш бўйича камидан 1 йиллик имтиёзли давр билан ажратилadиган кредитлари;

● шаҳарлар ва қишлоқ жойларда туташ майдонларда барпо этиладиган енгил конструкцияли, вақтинчалик йўлма павиль-

онлар қурилишига – ТИФ МБнинг маблағлари;

● савдо мажмуаларига туташ ҳудудларни ва автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш майдонларини ободонлаштириш – ТИФ МБ ҳамда тадбиркорлик субъектлари маблағлари.

Қурилиш амалга ошириш учун ТИФ МБ ҳузурда Бозорлар қурилиши дирекцияси ташкил қилинган бўлиб, у республика ҳудудларида пудрат ташкилотларини танлаш ишлари билан шугулланади. Қурилиш тугалланган объектлар тадбиркорлик субъектларига сотилади.

**Бу муҳим! 2020 йил 1 январгача бўлган муддатгача:**

● Бозорлар қурилиши дирекцияси – замонавий савдо мажмуаларини қуриш учун берилган ер участкалари учун ер солиғи, шу жумладан, битимларни давлат рўйхатидан ўтказишда давлат божлари ва йиғимлар, қурилиш тугалланган замонавий савдо мажмуаларини белгиланган тартибда сотишдан олинган даромадлар бўйича юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, ҚҚС, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар тўлашдан;

● Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланadиган рўйхатлар бўйича ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи на-

зар, замонавий савдо мажмуалари қурилишига сандвич-панеллар етказиб берадиган ташкилотлар божхона тўловларидан (божхона расмиёлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади.

2017 йил 1 апрелдан деҳқон бозорларига туташ ҳудудларда жойлашган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари ушбу деҳқон бозорлари таркибига ўтказилади ва кейинчалик улар фаолиятдан тушган пул тушумлари деҳқон бозорларининг солиқ солинадиган даромадлари таркибига киритилади ҳамда ушбу маблағларнинг 50 фоизи маҳаллий бюджетларга йўналтирилади.

Бундан ташқари, ҳудди шу санадан эътиборан 50 та ва ундан ортиқ савдо ўринлари мавжуд бўлган барча деҳқон бозорларида, шунингдек, деҳқон бозорларига туташ ҳудудлардаги автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимнинг йиғилиши давлат солиқ хизмати органларининг ходимлари томонидан назорат қилиниши таъминланган ҳолда фақат банк тизими орқали ундирилишини автоматлаштирилган тарзда ҳисобга олиш мажбурий тартибда жорий қилинади.

Шунингдек, қарорда ваколатли давлат органларига қатор топшириқлар ҳам сақланади.

## «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ташкил этилди

Президентимизнинг 2017 йил 29 мартда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори имзоланди.

**Таркиб ва фаолиятнинг асосий йўналишлари ҳақида**  
 Унинг таркибига куйидагилар кирди:

● тижорат банклари ва пиллачилик тармоғи ташкилотлари муассислигида янгидан ташкил этиладиган «Ипаксаноат» минтақавий жамиятлари – «Жанубипаксаноат», «Шимолипаксаноат», «Марказипаксаноат», «Водийипаксаноат» ва «Тошкентипаксаноат» МЧЖлари;

● Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар «Пилла» ҳудудий бирлашмалари негизда ташкил этиладиган ҳудудий «Агропилла» МЧЖлари;

● туман ва туманлараро «Пилла» МЧЖлари негизда ташкил этиладиган туман «Агропилла» МЧЖлари;

● ипак курти уруғини ишлаб чиқариш, пиллани қайта ишлаш ҳамда ипак газламалар ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ташкилотлар.

Уюшма узоққа базасини тақомиллаштириш, ипак курти уруғи ва пилла етиштириш, тайёрлаш ва бирламчи қайта ишлаш, пиллани чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда тармоқни жадал ривожлантиришни мувофиқлаштириш йўналишлари бўйича ишлайди.

«Ўзбекипаксаноат» раиси ва унинг ўринбосарлари муассислар умумий йиғилишининг қарори билан сайланади, Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимига тасдиқланади ҳамда макромизга кўра тегишли равишда вазир ва вазиr ўринбосарига тенглаштирилади.

Уюшма ижро этувчи аппарати ва «Ипаксаноат» минтақавий жамиятларининг жорий таъминоти ва фаолиятини молиялаштириш уларнинг таркибига шартнома асосида кирувчи пиллачилик тармоғи ташкилотларининг ажратмалари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

### Имтиёзлар ва преференциялар ҳақида

2023 йил 1 январгача куйидагилардан озод этиш таъминоти имтиёзлар тақдим этилади:

● ипак курти уруғини ишлаб чиқариш, пиллани етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлаш, тайёр ипак маҳсулотлар ҳамда пиллачилик тармоғи учун ёрдамчи материалларни (сунъий пилла ўраш дасталари) ишлаб чиқаришдан олинadиган даро-

мадлар – юридик шахсларнинг ЯСТ тўлашдан;

● «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибига кирувчи ташкилотлар ҳамда ипак курти уруғини ишлаб чиқариш, пиллани тайёрлаш ва қайта ишлаш ташкилотлари томонидан олиб келинадиган пилла йиғириши ва ипак газлама тўқиш дастоқларининг эҳтиёт қисмлари, тут дарахт кўчатлари, ипак куртининг суперэлита, элита ва саноат уруғлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланadиган рўйхат бўйича божхона тўловларидан (божхона расмиёлаштируви йиғимларидан ташқари);

● уй шароитида тирик пилла етиштириш билан шугулланувчи (касаначи)лар – ЖШДС тўлашдан;

● пилла етиштирувчи ташкилотлар – пилла етиштириш билан шугулланувчи касаначилар ва бошқа ишчи-пиллакорлар меҳнатига ҳақ тўлашга йўналтирилadиган маблағлари бўйича ЯИТ тўловидан ва бундан бўшаган маблағлар касаначилар ва ишчи-пиллакорларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

**Бу муҳим!** Пиллачиликни, пиллачилик тармоғи ишчиларини ва тирик пилла етиштириш билан шугулланувчи касаначиларни қонун ҳужжатларида тасдиқланган тўлиқ бир мавсум ишланган даврлари уларга пенсия тайинлаш учун бир йил меҳнат стажига ўтадиган мавсумий ишлар ва саноатнинг мавсумий тармоқлари рўйхатига киритилади.

Уюшмага аъзоларининг манфаатларини кўзлаб судга даъво аризаларини тақдим этиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ҳуқуқи берилди.

Пиллачилик тармоғида ишлашга жалб этиладиган хорижий мутахассисларга консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан кириш визалари расмиёлаштирилади, давлат божни ундирилмасдан кўп марталик визалар бериш ва уларнинг муддатини узайтириш, шунингдек, уларнинг вақтинча яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказиш ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддатини узайтириш амалга оширилади. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Исмоил ота кўчасидаги 1-а уйда жойлашади.



# МИЖОЗЛАР ИШОНЧНИНИ ҚОЗОНИШ – БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тижорат банки ўз мижозларининг ишончини қозонишга эътибор қаратмаган тақдирда, кучли рақобат муҳитида аксарият ҳолларда улар эшқа хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг мижозига айланиши кузатилади.

Дунё миқёсида банкларнинг мижозлар ишончига оид қуйидаги ўзига хос тенденциялар учрамоқда:

► «direct» банклар мижозлар ишончининг даражаси бўйича етакчи ўринни эгалламоқда. Энг яхши натижани миллий, ҳудудий ва унчалик катта бўлмаган банклар намоиш этмоқда. Буюк Британия ва Германия сингари давлатларда йирик филиалларга эга банклар ҳам ўзининг ўрнини сақлаб келмоқда.

► Айрим банкларга миллий бозорда фаолият юритаётган ташкилотларга нисбатан мижозларнинг ишончи юқори бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

► Давлатлараро солиштирув натижаси шуни кўрсатдики, бир мамлакатдаги банкларга нисбатан мижозлар ишончи максимал ва минимал даражанинг учраши АҚШ, Испания, Германия, Италия ва Буюк Британияда кузатилади.

► 1-диаграммада мижозларнинг ўз банклари ёки молиявий муассасалари орқали эга бўлишни истайдиган хизматлар ҳақида маълумотлар минтақалар кесимида таҳлил этилган. Умуман олганда, банк мижозларининг аксар қисми ўз банкларида хизматларга эга бўлишни истади, аини пайтда бу

**Ҳар бир банк фаолиятининг самарадорлигини таъминлашда мижозларнинг узоқ муддатли ўзаро муносабатлар давомида шаклланиган ишончи мустаҳкам бўлиши муҳим аҳамият касб этади.**

ражаси ортишга сабаб бўлади);  
● доимий мижозлар билан ишлаш тавakkалчилик даражасини пасайтиради (ўрнатилган ўзаро муносабат тарихининг ва қарздорнинг молиявий ҳолати ва фаолияти ҳақида етарлича ахборотнинг мавжудлиги ҳисобига);  
● янги мижозларни жалб этиш (одатда, мижозлар дўстлари, ҳамкорлари тавсиясига асосан банкка келади. Шундай қилиб, мавжуд мижозларнинг ишончини ошириш орқали банк ўз фаолиятини «реклама» қилиши ва янги мижозлар базаси шаклланишига эришиши мумкин);

● фойда тўплашга хизмат қилади (мижозлар ишончини сақлаш бўйича барча усул ва услублар янги мижозларни жалб этишга нисбатан арзонга тушади. Бундан ташқари, тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мижозлар ишончини мустаҳкамлашга эътибор қаратилиши даромадни 25 фоиздан 85 фоизгача ошириши мумкин);  
● ўсишни рағбатлантириш (мижозларнинг кетиши банкка янгиларни жалб этиши учун сезиларли харажатларга сабаб бўлади. Демак, аллақачон мавжуд мижозларни сақлаб қолиш банкнинг бир маромда ривожланишини таъминлайди).

кига бўлган ишончи юқори эканлигини англатади. Бунда мижоз узоқ муддат давомида банкдан янги турдаги маҳсулотларни сотиб олади ва банк билан узвий ҳамоҳанглик асосида ҳамкорлик ўрнатади.

**ЛАТЕНТ ИШОНЧ.** Бу турдаги ишонч мижознинг банк билан боғлиқ жиҳатлари кўп бўлган, бироқ

мимийлиги ва ўз имижига эътибор қаратиши лозим.

Масалан:

► ишонч билдиргани учун мижозга совға тариқасида маҳсулотларни тақдим этишда қўшимча имтиёзларни жорий этиш;

► фаол тескари алоқани йўлга қўйиш (мижознинг талабини қаноатлантириш, сўрономалар ўтказиш, маҳсулот ва хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга оид мижознинг таклифларини ўрганиш ва ҳоказо);

Мижозлар ишончи турлари

		Харидорлилик ҳаракати услуби	
		Юқори	Суст
Нисбий боғлиқлик	юқори	Премиум ишонч	Латент ишонч
	суст	Зўрма-зўраки ишонч	Ишончининг йўқлиги

2-чизма.

ундан банк маҳсулотларини мунтазам равишда сотиб олмакликда намоён бўлади. Халқаро тажрибадан маълум одатда бундай мижозларнинг янги маҳсулотларга нисбатан таъсирчанлиги юқори. Ишонч билдиришининг мазкур шакли яхши тавсияномалар ҳисобига янги мижозларни жалб этишга имкон беради. Таъкидлаш лозим, мазкур категорияга кирувчи мижозлар фаолияти катта даромад келтирмайди.

**Зўрма-зўраки ишонч.** Банклар ўзининг бозордаги ўрнига тўғри баҳо бериши учун мижозларининг ишончи турини фарқлаб олиши лозим. Мисол учун, зўрма-зўраки ишончга эга мижоздек кўриниши мумкин. Бироқ аслида мижоз банк хизматларидан базур фойдаланаётган бўлиши ҳам мумкин.

**ИШОНЧНИНГ ЙЎҚЛИГИ.** Бундай ҳолатда мижоз доимо нисбатан қўлай шартларни таклиф этувчи банкни излайди. Ушбу таснифга кирувчи мижозлар бирор-бир банкка ишоини қийин.

Ишончнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири мижозларнинг қониқиш даражаси ҳисобланади. Мижозларнинг қониқиш даражасини ошириш асосида банк уларнинг ишончини мустаҳкамлашга эришиши мумкин. Бироқ таъкидлаш лозим, ҳатто мижознинг банк маҳсулотларидан кучли қониқиш ҳиссини туйган тақдирда ҳам у бошқа банкка муурожаат қилиши ҳоллари ҳам кузатилади. Кучли ишонч банк айрим қийинчиликларга ду-

банк ходими билан мижоз ўртасидаги ўзаро муносабатни кенгайтириш;

► мижозни ушлаб қолишга эришган ходимни рағбатлантириш;

► банк имижининг қадрини оширишга кўмак бераётган мижозлар учун махсус лойиҳаларни ишлаб чиқиш. Бу қўшимча имтиёзлар шаклида, мисол учун, муайян муддат давомида банк хизматидан фойдаланган мижозга «Олтин мижоз» мақомини бериш, банк логотипи туширилган эсдалик совғаларини топшириш мумкин. Аини пайтда таъкидлаш жоиз, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бундай чора-тадбирларни биринчилардан бўлиб жорий этган компаниялар бунинг афзаллигини ҳис этади (агар бозорда мижозларни рағбатлантиришга қаратилган шундай дастурлардан фойдаланаётган бошқа компаниялар мавжуд бўлса, уларнинг самарадорлиги биров пасаяди).

Шунингдек, таъкидлаш лозим, мижозларнинг талаби вақт ўтиши билан ўзгариши ва ортиши мумкин. Бу эса ишонч қозонишга қаратилган дастурларни мунтазам равишда такомиллаштиришни назарда тутади. Мижозларнинг ишончини доимо мониторинг қилиш, сўрономалар ташкил этиш, мижозларнинг бошқа кредит муассасаларига кетиши сабабларини аниқлаш лозим. Муҳими, ишонч қозонишга йўналтирилган дастурларга нисбатан узоқ муддатли стратегия сифатида ёндашиш зарур. Зеро, уларни бир-

Хизмат кўрсатаётган ёки бошқа молиявий ташкилотда хизматларга эга бўлиш имкониятининг эҳтимоли, фоизда

1-диаграмма.



борадаги кўрсаткич минтақалар кесимида фарқланади. Яъни ўз банкларида қолишни истайдиган мижозларнинг фоизи давлатларда турлича. Хусусан, 2016 йилда Лотин Америкасида бу борада кўрсаткич 40 фоизни ташкил этган бўлса, Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада 60 фоиздан ортган.

Мижозлар ишончини оширишга бўлган эҳтиёж юқори бўлиши қуйидаги омилларда намоён бўлади:

● янги мижозларни жалб этиш қимматга тушади;

● самарадорлик ва ишлаб чиқариш даражаси нисбатан юқори бўлади (банк томонидан такрорий равишда хизмат кўрсатилган тақдирда, янги мижозни жалб этиш учун танлафуслар бўлмайди, шунингдек, мукамал кредит тарихига эга мижозга кредит содалаштирилган тартибда ажратилиши ҳисобига сарфланадиган харажат миқдори камроқ бўлади, шу билан бирга, такрорий кредит ажратилишини расмийлаштириш билан шугулланувчи ходимнинг иш вақти биров тежаланиши ишлаб чиқарув да-

Авалло шуни унутмаслик лозимки, ишонч ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, уни шакллантириш керак. Мижозлар ишончи шаклланишининг бир неча босқичи мавжуд (1-чизма).

Ҳолбуки, мижознинг банкда мунтазам равишда молиявий маҳсулотга эга бўлиши ҳар доим ҳам мижознинг ишончи мустаҳкам эканлигини англатмайди. Мижозлар фақатгина рақобатчи банклар янги турдаги хизматни тақдим этганида эмас, балки хизмат кўрсатиши си-

фатидан қониқмаган пайтда ҳам банкни ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Шу боис ўз банкига нисбатан боғлиқлик ва харидорлик ҳаракати услубидан келиб чиқиб мижозларнинг ишончи даражасини аниқлаб олиш лозим (2-чизма).

**ПРЕМИУМ ИШОНЧ.** Бу турдаги ишонч даражаси мижознинг ўз бан-

Мижозлар ишончи шаклланиши босқичлари

1-чизма.



чор бўлганда ҳам мижоз банк билан қолишни англатади. Шу боис қўлай шартларга эга кенг миқёсли маҳсулотлар линияси, шахсий ёндашув, сифатли хизмат кўрсатиш сингари имкониятлардан ташқари банклар ўз мижозни учун тақдим этилаётган маҳсулотнинг қўшимча фойда келтириши, мижоз билан мулоқотнинг са-

данига яқунлаш ёки мукамал ишлаб чиқилмаган лойиҳалар банк ҳурмати ва обрўйига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ўз мижозларининг ишончини ошириш доирасида фаолият юритадиган банк ўзига барқарор ўсиш ва ривожланишни таъминлайди.

**Наталья УРМАНОВА, и.ф.н., Шарифбек ҲАСАНОВ.**

## Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш саъй-ҳаракатлари

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан юртимизга Россия Федерацияси-дан ташриф буюрган ишбилармонлар иштирокида Ўзбекистон – Россия бизнес-фoрyми ҳамда кооперация биржаси ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари вази фасини бажарувчи Назира Дадахонова, Москва вилоятининг ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш фонди директори ўринбосари Олег Кондрашинлар сўз олиб, мазкур учрашув мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий муносабатларни янада ривожлантиришга ҳисса қўшишни, ҳар икки томон учун ҳам товар айирбошлаш масаласида муҳим қадам бўлажagini таъкидладилар.

Ишбилармонлик учрашуви чоғида икки давлат тадбиркорлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан муҳокамалар бўлиб ўтди.

– Москва вилоятида 25 млн. аҳолининг 45 фоизи кичик бизнес билан шугулланади, шундан 378 таси экспортёр корхонадир, – дейди Москва вилоятининг ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш фонди директори ўринбосари Олег Кондрашин. – Ўзбекистон иқлим шароити қишлоқ ҳўжалик маҳ-

сулотлари етиштиришда катта имкониятлар беришни ҳисобга олиб, юртингизга озиқ-овқат, агросаноат ва фармацевтика соҳаларида фаолият юритувчи компанияларимиз вакиллари билан бирга ташриф буюрдик. Бу яқин келажақда юқори натижаларни беришига ишонамиз.

2016 йил якунларига кўра, давлатлар ўртасидаги товарлар айланмаси 4 237,5 млн. АҚШ долларини (ўсиш 2014 йилга нисбатан 4,9 фоиз), жумладан, экспорт 1 842,4 млн. доллар (+1,2 фоиз), импорт 2 395,1 млн. доллар (-9,1 фоиз) ни ташкил этди.

Экспортнинг асосий позициялари: табиий газ (26,6 фоиз), тўқимачилик маҳсулотлари (24,7 фоиз), транспорт хизматлари (21,1 фоиз), сархил ва қайта ишланган мева-сабзавотлар (8,0 фоиз), кимёвий



маҳсулотлар (3,1 фоиз). Импорт амалиётлари эса, кўпроқ қора ва рангли металллар (17,0 фоиз), ёғоч (15,2 фоиз), нефть ва нефть маҳсулотлари (14,6 фоиз), механик ва электр қурилма (13,1 фоиз)лар ҳиссасига тўғри келмоқда.

2016 йил давомида жалб этилган Россия инвестициялари ҳажми 1 292,8 млн. долларни, жумладан, нефть-газ

тармоғидаги лойиҳаларда 204,8 млн. доллар (93,2 фоиз) ва телекоммуникация соҳасида 84,7 млн. доллар (6,5 фоиз)ни ташкил этди.

– Тошкент вилояти Қибрай туманида «Истиклол Шукурова» фермер ҳўжалигини бошқараман, – дейди Гўзал Шукурова. – Аввало, мана шундай халқаро даражадаги форумга таклиф қилгани

учун Савдо-саноат палатасига миннатдорлик билдираман. Бу ерда мен қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайд ишлаш бўйича тажриба орттириб, энг сўнгги технологиялар хусусида маълумот олишга эришдим. Давлатимиз раҳбари туманимизни Тошкент вилоятида агросаноатни тараққий эттиришда марказий ҳудуд бўлишига баъжарини айтиб ўтган эди. Ҳўжалигимизда етиштирилаётган мева-сабзавотларимизни қайта ишлашни йўлга қўйиб, ҳудудимизнинг бугунги салоҳиятини ривожлантиришга ҳисса қўшишни мақсад қилдим.

Ўзбекистон Республикасида Россия сармояси иштирокидаги 961 та корхона фаолият юритиб, улардан 810 таси қўшма корхона ва 151 таси тўлиқ Россия капиталига эга ҳисобланади. Мамлакатимизда Россиянинг 64 фирми ва компаниялари аккредитациядан ўтказилган. Ўз навбатида Россия ҳудудида Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирокида 569 та корхона ташкил этилган.

Ширин БАЙСЕНОВА.

## Қурилиш материалларини маҳаллийлаштириш истиқболлари

Юртимизда саноат маҳсулотларини маҳаллийлаштириш бўйича барча тармоқларда кенг қўламли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йилда маҳаллий қурилиш бозорини ислоҳ қилиш бўйича ҳам Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 11 турдаги қурилиш материали ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мўлжалланган.

Шунингдек, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти томонидан жорий йилда 3 трлн. сўмлик саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, 107 млн. долларлик маҳсулотни экспорт қилиш режалаштирилган. Аини пайтда 968 та лойиҳани амалга ошириш, маҳсулотлар таннархини 8 фоизга камайтириш устида саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

2017-2021 йилларда республикада бунёдкорлик ишлари ҳар қачонгидан-да юқори суръатларда давом эттирилади. Бу ҳукумат дастурларида алоҳида қайд этилган. Жараён эса, қурилиш соҳасида мазкур саноат маҳсулотларини ўз вақтида етказиб беришни тақозо қилиши табиий. Қурилиш материаллари ва хомашёсини ишлаб чиқариш бўйича ҳудудларда умумий қиймати 7,4 трлн. сўмлик 2500 га яқин лойиҳани амалга ошириш белгиланган.

Таъкидланишича, эндиликда «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамиятининг МДХга кирувчи қатор мамлакатларда диперлик тармоқлари ҳамда ваколатхоналари фаолиятни йўлга қўйилади. Бу юртимиздаги соҳа вакиллари ҳамда ишбилармонларга янги бозорларни ўрганиш,

тахлил қилиш ва ўзлаштириш, шунингдек, экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, қурилиш материаллари ва хомашёларини ўзлаштириш ва маҳаллийлаштириш юзасидан амалга оширилган ишлар кейинги 3 йилда ижобий натижаларни кўрсатди. Хусусан, ушбу даврда хориждан келтирилмаётган гипскартон, қуруқ қурилиш қоришмалари, сопол плиткалар сингари материалларни ишлаб чиқариш асосида уларнинг импорт ҳажми 3,5 баробарга қисқартирилди. Ҳозирги пайтда шиша ва базальт пластикли арматура ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш устида иш олиб борилмоқда.

«Жиззах» эркин иқтисодий зонасида глазури керамик қопламали плиткалар, Жиззах вилоятида иссиқликни сақловчи материаллар, Самарқанд вилоятида катта ўлчамли керамик қопламали плиткалар, Тошкент шаҳрида замонавий сантехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашга хизмат қилмоқда.

Назира МАВЛОНОВА.

## Кўрғазмада мақсадлар муштарак

«Ўзэкспомарказ»да озиқ-овқат саноати ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасига ихтисослашган «WorldFood Uzbekistan-2017» ва «AgroWorld Uzbekistan-2017» халқаро кўрғазмалари бўлиб ўтди.

«ITE Uzbekistan» халқаро кўрғазма компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, «Ўзбекизоқиқовқатзаҳира» уюшмаси, «Ўзбекизоқиқовқатхолдинг» холдинг компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўрғазмаларда Австрия, АҚШ, Бельгия, Беларусь, Болгария, Буюк Британия, Германия, Дания, Жанубий Корея, Испания, Италия, Латвия, Нидерландия, Польша, Россия, Туркия, Франция, Хитой, Швейцария каби 30 дан ортиқ мамлакатдан 232 компания, шунингдек, қатор давлатларнинг қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳасига масъул вазирлик ва идоралари вакиллари иштирок этди.

Тадбирларнинг очилиш маросимида мамлакатимиз агросаноатда истиқболли лойиҳаларни татбиқ қилиш йўлидан дадил бориб, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш имкониятларини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон стандартлари даражасида ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг экспортини кўпайтириш юзасидан муҳим вазифалар амалга ошираётгани таъкидланди.

Бу борада Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4848-сонли Фармони дастуриламал бўлмоқда. Унга кўра, ҳудудларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, инвестициявий салоҳиятини яхшилаш, тадбиркорларнинг эркин фаолият кўрсатишини таъминлаш вазифалари янада кучайтирилди.

«WorldFood Uzbekistan» ва «AgroWorld Uzbekistan» кўрғазмалари озиқ-овқат са-

ноати ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг барча йўналишлари, жумладан, маҳсулотлар, ичимликлар, ингредиентлар, қишлоқ ҳўжалиги техникаси, ускуналар ва технологиялар, паррандачилик, чорвачилик, ветеринарияга оид кўпплаб бўлимларда иш олиб борди.

– Россия Федерациясининг Жанубий Урал ҳудудида қиш ҳамон ҳўкм сураётган пайтда юртингизга қилган ташрифимиз жуда катта таассурот қолдирди, – дейди «Sigma holding» компаниялар гуруҳи вакили Роман Нураглик. – Бу ерда баҳор, табиат яшилликка бурканган. «WorldFood Uzbekistan» ва «AgroWorld Uzbekistan» кўрғазмаларида сўнгги бор 2007 йилда қатнашган эдик. Бугун Ўзбекистонда ўтган 10 йилда содир бўлган катта ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Кўрғазманинг илк кунидан стендимиз олди одамларга гавжум бўлди. Бу муштарак мақсадларимиз ўз самарасини беришидан далолат.

Ўзбекистон озиқ-овқат саноати ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаси вакиллари маҳсулотлари экспозицияларда кенг ўрин эгаллади. Салқин ичимликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларнинг қўшимчаларини ишлаб чиқарадиган «Choco Soft», «Ardent Food», «Glory Food», «Chococream», «Feendo Ideal», «Mehnat Group» корхоналари шулар жумласидандир. Улар музқаймоқ, вафли, печенье, шоколад, конфет каби кенг турдаги қандолат, ёғ-мой маҳсулотларини намоиш этди.

Кўрғазма доирасида Ўзбекистон Фермерлари кенгаши кўмағида «Фермерлар кунини» ўтказилди. Унда иштирокчилар фермерлар билан очиқ мулоқот қилиш, тажриба алмашиш, фермерликни ривожлантиришга оид лойиҳалар, соҳага доир янги техника ва технологиялар билан танишиш имконига эга бўлди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.



## Биржа савдолари: инвестициявий фаоллик қайд этилди

2017 йилнинг икки ойи давомида «Тошкент» республика фонд биржасида тузилган битимлар сони 319 донга етди.

Қимматли қозғоларнинг иккиламчи зорида 44 та акциядорлик жамиятига тегишли умумий қиймати 15,2 млрд. сўмлик 21,3 млн. дона қимматли қозғотилди.

Хисобот даврида қимматли қозғолар битимлари қуйидаги йўналишда тузилди:

Ягона дастурий-техник мажмуа (ЯДТМ) акциялари бозорида қуйидаги тармоқларда:

Асосий йўналиш («Main Board») – 12,1 млрд. сўмлик 282 та битим;

жисмоний шахслар учун клирингсиз битимлар бўйича («NC Board») – 0,03 млрд. сўмлик 36 та битим;

биржанинг амалдаги савдо тизими орқали: қимматли қозғолар мажмуасини сотиш тармоғи (блоттрейдинг) бўйича – 3,1 млрд. сўмлик 1 дона битим.

Қимматли қозғолар биржа айланмаси таркиби иқтисодиётнинг асосий тармоқлари кесимида таҳлил қилинганда қуйидаги кўрсаткичлар қайд этилди:

– Иқтисодиётнинг молиявий тармоғидаги корхоналарнинг биржа айланмасидаги улуши 37,3 фоиз ёки 5,7 млрд. сўмга, шу жумладан, банкларнинг улуши 28,8 фоиз ёки 4,4 млрд. сўм ва сугурта компаниялари улуши 8,5 фоиз ва 1,3 млрд. сўмга етди.

Утган йилнинг мос даврида молиявий тармоқнинг улуши 61,3 фоизга тенг эди;

– Агросаноат мажмуаси улуши эса 17,4 фоиз ёки 2,6 млрд. сўмга тенг бўлди (2016 йил 2 ойида 3,1 фоиз эди);

– Саноат тармоғининг биржа

айланмасидаги улуши 0,3 фоиз ёки 0,05 млрд. сўмни ташкил этди (2016 йил 2 ойида 0,2 фоиз эди);

– Қурилиш соҳасидаги корхоналар улуши эса 0,3 фоиз ёки 0,05 млрд. сўмга етди (2016 йил 2 ойида 0,2 фоиз эди).

Биржада инвесторлар категориялари бўйича кўрсаткичлар ҳақида сўз юритилганда юридик шахсларга тегишли инвестициялар биржа айланмасининг асосий қисмини, яъни 11,1 млрд. сўм ёки биржа айланмаси умумий ҳажмининг 73,0 фоизини ташкил қилганини таъкидлаш лозим.

Хисобот даврида жисмоний шахсларнинг инвестициявий фаоллиги ортгани қайд этилди. Чунончи, уларнинг биржа айланмасидаги улуши 27,0 фоиз ёки 4,1 млрд. сўмга түғри келди (2016 йил 2 ойида жисмоний шахс бўлган инвесторлар улуши 25 фоизга тенг эди).


Инвестицияларнинг тармоқлар кесимидаги таҳлили хисобот даврида жисмоний шахс бўлган инвесторларнинг эътибори асосан молиявий соҳа қимматли қозғоларига қаратилганлигини кўрсатмоқда. Яъни жисмоний шахслар инвестициялари умумий ҳажмида 90,8 фоизи мазкур тармоққа йўналтирилган бўлса, улардан 88,6 фоизи тижорат банклари, 2,2 фоизи сугурта компанияларига жалб этилди.

Юридик шахс мақомидаги инвесторлар бошқа тармоқлар қимматли қозғоларига қизиқиш билдирган ва бу тармоқларда уларнинг соф улуши 58,1 фоизни ташкил этган бўлса, агросаноат мажмуаси ва молиявий тармоқдаги бу кўрсаткич 23,8 ва 17,5 фоизга тенг бўлди.

Қимматли қозғолар савдоларида иштирок этган инвесторлар тури бўйича биржа бозори тузилмаси 2017 йил январь-февраль ойида қуйидагича бўлди:

1-диаграмма.


Қимматли қозғолар биржа айланмасининг тармоқлар бўйича таркиби, 2017 йил январь-февраль ойларида



Банклар 28,8 фоиз  
Саноат 0,4 фоиз  
Бошқалар 44,5 фоиз  
Сугурта 8,5 фоиз  
Қурилиш 0,3 фоиз  
Агросаноат мажмуаси 17,4 фоиз

2-диаграмма.

Инвесторлар кесимида биржа айланмасининг таркиби, 2017 йил январь-февраль ойларида



Сугурта компаниялари 65,9 фоиз  
Жисмоний шахслар 7,1 фоиз  
Бошқа юридик шахслар 27,0 фоиз

Энг йирик савдолар ҳажми бўйича эмитентлар ТОП 10 лиги, 2017 йил бошидан буён

Эмитент номи	Тармоқ	Ҳажми, млрд. сўмда
«Asia Alliance Bank» АТБ	Банк	3,3
«Farg'ona go'sht-sut savdo»	«Узулгуржисавдоинвест»	3,2
«Qurilishmashlizing»	Ташкилотлар тузилмаси таркибига кирмайдиган субъектлар	3,1
«Qo'qon yog'-moy»	«Ўзпахтаёғ» АЖ	2,6
«ALSKOM»	Ташкилотлар тузилмаси таркибига кирмайдиган субъектлар	1,3
«Turkiston» ХАТБ	Банк	0,3
«Kapitalbank» АТБ	Банк	0,3
«Marg'ilon Fayz savdo kompleksi»	Ташкилотлар томонидан таъсис этилган юридик шахслар	0,26
«Iproteka-bank» АТИБ	Банк	0,21
«Turonbank» АТБ	Банк	0,12

Ахборот ва статистика бўлими томонидан «Тошкент» РФБ (www.uzse.uz) материаллари асосида тайёрланди.

### «ТОШКЕНТ» РФБ БИРЖАВИЙ КОТИРОВКА РҲҲАТИГА КИРИТИЛГАН КОМПАНИЯЛАР ШАРҲИ

Биржанинг асосий мақсадларидан бири биржавий котировка рўйхатида республиканинг нисбатан молиявий барқарор ва ликвидлилик даражаси юқори акциядорлик жамиятларини жалб этиш ҳисобланади.

2017 йил бошида биржавий котировка рўйхатидан 191 та компания ўрин эгаллаган эди, айти пайтда январь ойи давомида рўйхатга яна 3 та компания киритилиб, 8 та компания рўйхатдан чиқарилди. Натижада 2017 йил 28 февраль ҳолатига кўра, биржавий котировка рўйхатидан 186 та акциядорлик жамияти ўрин олди (2016 йил 28 февраль ҳолатига кўра, мазкур кўрсаткич 284 та АЖни ташкил этган эди).

Биржа котировка рўйхатида мавжуд категориялар таҳлил қилинганда «А» категорияси талабларига

жавоб берувчи акциядорлик жамиятлари сони 24 тага етгани аниқланди. 27 та акциядорлик жамиятлари эса «В», 104 таси «С» ва 31 таси «Р» категориялари талабларига жавоб бериши маълум бўлди.

Шундай қилиб, энг кўп акциядорлик жамиятлари «С» категорияси талабларига жавоб беради, яъни эмитентнинг устав жамғармаси қиймати (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган айирбошлаш курси бўйича) давлат рўйхатидан ўтган вақтда 400 минг АҚШ долларидан ортан ва сўнгги икки молиявий йилда эмитент фаолиятида ижобий натижаларга эришилган.

Листинг компаниялари таркибидан тижорат банклари, сугурта компаниялари, нефть ва газ саноати корхоналари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилар, агросаноат мажмуалари, энергетика, металлсозлик ва бошқа соҳа корхоналари ўрин эгаллади.

Биржа котировка рўйхатида кирган компанияларнинг тармоқлар бўйича таркиби, 2017 йил 28 февраль ҳолатига

№	Тармоқ	АЖлар сони	АЖлар улуши
1	«Ўзбекнефтгаз» МХК	39	20,97%
2	Давлат ва ҳўжалик бошқаруви ташкилотлари тузилмаси таркибига кирмайдиган субъектлар	24	12,90%
3	Банклар	21	11,29%
4	«Ўзпахтаёғ» АЖ	15	8,06%
5	«Ўзбекэнерго» АК	12	6,45%
6	«Ўзбекистон темир йўллари» АТК	8	4,30%
7	«Дори-дармон» АК	7	3,76%
8	Жойлардаги ҳўкумат органлари томонидан таъсис этилган юридик шахслар	7	3,76%
9	«Ўзагрохимёмоя» (С) АЖ	6	3,23%
10	«Ўзқурилишматериаллари» АК	6	3,23%
11	«Ўзвинсаноат-холдинг»	5	2,69%
12	«Ўзэлтханоат» АК	5	2,69%
13	«Ўзспиртсаноат» АЖ	5	2,69%
14	«Ўзулгуржисавдоинвест» ассоциацияси	5	2,69%
15	«Ўзкимёсаноат» АК	4	2,15%
16	«Ўзавтосаноат» АК	2	1,08%
17	«Ўзпахтасаноат» АЖ	2	1,08%
18	ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	2	1,08%
19	ЎзР Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги	2	1,08%
20	«Ўзмахсусмонтажқурилиш» АК	1	0,54%
21	«Ўзқишлоқмашлизинг» АЛК	1	0,54%
22	«Ўзметкомбинат» АЖ	1	0,54%
23	«Олмалиқ ТМК» АЖ	1	0,54%
24	ЎзР Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	1	0,54%
25	Давлат сугурта компаниялари	1	0,54%
26	ЎзР Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси	1	0,54%
27	«Шарқ» НМАК	1	0,54%
28	Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси	1	0,54%
<b>Жами</b>		<b>186</b>	

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВА ЁКИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН БИРЖА САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТГАН ДАВЛАТ АКЦИЯЛАРИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сонли қарори ижроси доирасида 2017 йил 28 февраль ҳолатига кўра, «Тошкент» РФБ савдоларида 23 та АЖлар умумий қиймати 62,9 млрд. сўм ва 476,1 млн. АҚШ доллариллик қимматли қозғолар пакети билан иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 февралдаги ВМК-33-сонли қарори ижросини таъминлаш доирасида 2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, «Тошкент» РФБ савдоларида 3 та АЖлар умумий қиймати 15,0 млрд. сўм ва 2,4 млн. АҚШ доллариллик қимматли қозғолар пакетлари билан иштирок этди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 августдаги ВМК-252-сонли қарори ижроси доирасида «Тошкент» РФБ савдоларида 2017 йил 28 февраль ҳолатига кўра, умумий қиймати 24,5 млрд. сўм ва 559,8 млн. АҚШ доллариллик қимматли қозғолар пакетлари билан 41 та АЖ иштирок этди.

Йил бошидан буён юқорида келтирилган қарорлар ижроси доирасида биржа савдоларида хорижий инвесторларга тегишли 52 та АЖнинг умумий қиймати 42,6 млрд. сўм, 38,5 млн. АҚШ долларлари ва 45,7 минг евролик қимматли қозғолари сотилишига эришилди.

● 9 апрель – Соҳибқирон Амир Темури таваллуд топган кун

## Буюк Соҳибқирон мероси

Амир Темури инсоният тарихида ўчмас из қолдирган улўғ сиймолардан бири.

Ўттиз беш йил (1370-1405) ҳукмронлиги даврида Амир Темури Марказий Осиё худудини ягона марказлашган давлатга бирлаштирди, улкан салтанат барпо этди. Амир Темури энг аввало, буюк давлат арбоби, Ватанимиз ва минтақадаги бошқа халқларни мўғул босқинчиларидан озод этган халоскордир.

Пойтахтимиз марказида савлат тўкиб турган Амир Темури бобомиз ҳайкалида ҳам чуқур рамзий маъно мавжуд. Унда Соҳибқирон учқур тулпорининг жилловини маҳкам тортиб, иккинчи қўлини олдинга чўзиб жахон халқларига омонлик тиламоқда. «Куч адолатдадир!» – демоқда.

Улўғ бобокалоннинг шонли ҳаёти – Ватан ва миллатга хизмат қилишнинг энг ёрқин намунаси. Амир Темури шахси нафақат бир миллат, балки умуминсоният аҳамиятига молик истеъдоди ва инсоний фазилатлари туфайли боқий саналади. Амир Темури мероси шижоат, мардлик ва адолат тимсоли сифатида доимо юксак қадр ва эъзозга лойиқ. Соҳибқирон ўз даврининг энг қудратли давлати асосчиси, илм-фан, маданият ва маънавият ҳомийси, дунё цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган буюк бунёдкордир. Ул зотнинг таржимаи ҳолидан ҳаётнинг барча жабҳаси учун ибратли воқеалар, ҳикоятлар ва бошқа маълумотларни истаганча топиш мумкин.

Кастилиялик Рюи Гонзалес де Клавихо XV асрнинг бошида элчи сифатида Мовароуннаҳрга келиб, бу ерда кўрганларини ёзиб қолдирган. У мамлакатдаги обод ҳамда маъмур шаҳар ва қишлоқларни, Зарафшон дарёсининг қирғоқларида, Самарқанд шаҳрининг муҳофаа деворлари атрофидаги ҳашаматли биноларни, ҳунармандчилик устахоналарини, савдо расталарини, умуман, байрамона манзараларни тасвирлаган. «Бутун шаҳар боғлар ва узумзорлар билан ўралган, улар баъзи жойларда бир ярим, баъзи жойларда икки қақирим узунликда. Шаҳар эса уларнинг ўртасида жойлашган. Боғ ва узумзорлар шунчалик кўпки, унга яқинлаша борган сари баланд дарахтли бутун бир ўрмонга ўхшайди, унинг ўртасида эса шаҳар жойлашган.

Шаҳар ва боғлар ўртасида кўплаб суғориш каналлари қурилган. Бу боғларда кўплаб мевалар етиштирилади. Бу ернинг нони мўл-кўл бўлганидек, гўшти ҳам, мева ва паррандалари ҳам сероб... Бу ер фақат озиқ-овқат маҳсулотлари билан эмас, балки ипак матолари билан... жун ва шойи астарлари билан, упа-эликлари билан, олтин ва лазурит (кўм-кўк феруза тош) ранглар билан ҳам бойдир».



Хорижий муаррих Гарольд Лэмб таъкидлаганидек, «Амир Темури Самарқандни қақраган тупроқ, ярим вайрона шаҳардан «Шарқона Рим» деган таърифга муносиб шаҳарга айлантирди. Самарқанд – Соҳибқирон орзуларининг рўёбига айланди».

Амир Темури, элим деб, юртим деб, унинг шони, шавкати, озодлиги деб, ҳаловатсиз умр кечирди. Ул зотнинг барча юмушлари фақат Ватани ва халқи манфаатларига қаратилган эди.

Улўғ бобокалондан қолган мерос бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов 1993 йил апрелида ёзувчилар билан бўлган мулоқотда, «Мен ҳар гал «Темури тузуқларини ўқиганимда, худдики ўзимга қандайдир руҳий кучкуват топгандек бўламан. Уз фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикоятли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман. «Темури тузуқларини ўқиганимда бугунги куннинг катта-катта муаммоларига ечим топгандек бўламан», деган сўзлари бу фикрнинг яққол исботидир.

Буюк давлат арбоби, бекиёс саркарда, буюк бунёдкор сифатидаги мислсиз салоҳияти, тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи, адолат тимсоли бўлган бу мумтоз сиймо нафақат авлодлар, балки бутун инсоният учун мангу ибрат намунаси бўлиб қолаверади.

Ҳар йили 9 апрель – улўғ Соҳибқирон таваллуд кунини арафасида турли тадбирларни ўтказиш ўзига хос анъанага айланди. Зеро, ул зот ўзлигимиз, кучқудрат ҳамда юксак маънавиятимиз рамзи, миллий мафкурамиз пойдеворидир.

**Ахборот ва статистика бўлими томонидан тайёрланди.**

## МУТОЛАА УМРИНИ УЗАЙТИРАДИ

Китоб ўқиш ақлий салоҳиятимизни кучайтириб, тасаввуримизни бойитишини ҳаммамиз биламиз. Бу марокли машғулот саломамлиққа ҳам ижобий таъсир этади.

АҚШнинг Yell университети олимлари мутулаа ва инсон умри давомийлиги боғлиқлиги бўйича тадқиқот ўтказди, деб ёзади tafsilot.uz. 12 йил давом этган ушбу илмий текширишда уч минг олти юзга яқин кекса ёшдаги эркак ва аёллар қатнашди. Улар орасида ашаддий китобсеварлар ҳам, китобни қўлига фақат уй йиғиштирганда оладиганлар ҳам бор эди.

Аниқланишича, мутулаани севадиган ва бу иш билан мунтазам шуғулланадиганлар бошқаларга нисбатан 2 йил кўпроқ умр кўрар экан. Ҳафтасига 3,5 соатини ва ундан кўпроқ вақтини ўқишга сарфлайдиган кексаларда ўлим хавфи яқин 12 йилда бошқа қарияларга нисбатан 20 фоизга кам бўлади.

«Кунига атиги ярим соат мутулаа қилиш умрингиз узоқ бўлишига катта таъсир кўрсатади», дейди тадқиқот муаллифларидан бири Бека Леви.

Қизиқ томони, «китоб терапияси» даромади, касб-кори, оилавий аҳволи, ирқи ва ҳаёти фаровонлигидан қатъи назар, барчага бирдек фойдалидир.

Мутулаа асабийлашишни камайтирувчи энг ўнғай усуллардан бири. У кундалик ташвишлардан узилиш имконини ҳам беради. Ўқиш мия узоқ

вақт фаоллигини сақлаб қолишига сабаб бўлади, миядаги асаб тизими алоқаларини кучайтириб, ақлий салоҳиятни ортттиради. Қарилик ва Альцгеймер хасталиги (хотирани йўқотишни ортга суради. Бундан ташқари, мутулаа сиқилишни энгишда қўл келади, муомала-муносабат қобилияти ривожланишига, ижодий имкониятлар кенгайишига ижобий таъсир кўрсатади.

Китоб ўқишнинг юқорида саналган фойдали жиҳатлари олимларга кўпдан аён эди. Yell университети



ти мутахассислари унинг бошқа бир муҳим қирраси – узоқ умр кўришга сабаб бўлишини аниқлади. Тўғри, узоқ яшаш жуда кўп омилларга боғлиқ. Лекин инсон ўзига берилган умрини мазмунли тарзда ўтказиши ҳам керак. Бу борада мутулаа энг яхши кўмақчидир.

### Реклама

BANK XIZMATLARI - USKUNALARI VA TEXNOLOGIYALARI

## MILLIY KO'RGAZMASI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MARKAZIY BANKI

«Ko'rgazma Savdo Markazi» KM  
(Toshkent sh., Beraniy ko'chasi, 41)

#bankexpo2017  
www.bankexpo.uz

Хизматлар лицензияланган

### BANK АХБОРОТНОМАСИ

**АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА**

**ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС**

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

**БОШ МУҲАРРИР**

**А.Н. НАЗАРОВ**

Нашр учун масъул

**А.С. АСРОРОВ**

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

**ДИРЕКТОР**

**Р.Л. ВАЛИЕВ**

Газета тахририятнинг техник  
ускуналарида саҳифаланди.

**АХБОРОТ КУМАГИ**

**ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА**

**ТАХРИРИЯТ МАЗИЛИ:**  
100060, Тошкент ш.,  
Шаҳрисабз кучаси, 23-уй.  
e-mail: info@banknews.uz,  
www.banknews.uz

**Реклама ва эълонлар учун**  
232-45-32 телефони  
орқали мурожаат қилинг.  
Факс: 232-43-98.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.  
Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга илоҳат берилмади. Кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан руйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кунини чиқарилади.

Буюртма № 903.  
Адади 7649 нуска.  
Нархи шартнома асосида.

Газета АЗ ҳажмида, 3 шартли босма табақда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 5.04.2017 й. 9.00.